Ушбу сонда:

2 Энг катта савоб — ХАЙРИЯ ЎН КУНЛИГИ

3 ҚОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР

4 Ёнғин хавфсизлиги ойлиги якунланди — ОЛОВ БИЛАН ЎЙНАШИШЯПТИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 19 декабр, сешанба №179 (1011)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

XXI АСРГА 12 КУН ҚОЛДИ

Оқ йўл мустақиллик карвонимизга,
Омонлик тилаймиз сарбонимизга.
Мангу насиб этсин давронимизга
Тинчлик ва тотувлик деган икки сўз.

Ибройим ЮСУПОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга

Муҳтарам Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич!

Биз, Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати вакиллари Сизга қалбимизни тўлқинлантириб турган миннатдорлик туйғуларини изҳор этишдан бахтиёрмиз.

Истиқлол шарофати билан бизнинг халқимизнинг ҳам асрий орзу-умидлари рўёбга чиқди. Муаззам пойтахтимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлган Қорақалпоғистон маданияти байрами онгу шууримизда рўй бераётган ўзгаришларни тўла акс эттирди, она Ўзбекистонимиз қардошлик, бунёдкорлик ва маънавият ватани эканини яна бир карра тасдиқлади, десак, асло хато бўлмайди.

Бугунги мураккаб замонда Ўзбекистон халқи қуриш ва яратиш йўлидан бораётгани, улуғ аждодларини хотирлаб обидаю зиёратгоҳлар бунёд этаётгани ибратлидир.

Ўзбек халқи билан елкама-елка мустақил тараққиёт йўлидан бораётган қорақалпоқ халқи ҳам ўзлигини таниб, тарихий илдизидан куч олиб, қудратли халқ бўлиб, янги асрга қадам қўймоқда.

Биз, қорақалпоқ адабиёти ва санъати аҳллари ҳам буюк келажагимизни бунёд этиш йўлида ўз сўзимиз ва созимиз билан хизмат қилсак, унинг пойдеворига бир ғишт қўя олсак, ўзимизни бахтли деб ҳисоблаймиз.

Қорақалпоғистон маданияти кунларининг катта байрамга айланиб кетгани, қорақалпоқ халқининг бир гуруҳ истеъдодли фарзандлари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани Сизнинг бизга кўрсатаётган ғамхўрлик ва ҳурмат-эътиборингиз ифодаси деб биламиз.

Ўзбекистонимизнинг ўтмиши ҳам, бугуни ҳам шарафлидир. Келажаги эса албатта буюк бўлади.

Илойим, халқларимиз бахтига доимо омон бўлинг!

Қорақалпоғистон маданияти кунлари қатнашчилари.

«Муаззам пойтахтимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлган Қорақалпоғистон маданияти байрами онгу шууримизда рўй бераётган ўзгаришларни тўла акс эттирди, она Ўзбекистонимиз қардошлик, бунёдкорлик ва маънавият ватани эканини яна бир карра тасдиқлади, десак, асло хато бўлмайди».

Оролбўйи халқи маданияти кунлари қатнашчиларининг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга йўллаган Мурожаатномасида ана шундай ҳароратли сатрлар бор. Мурожаатнома асрлар оша ўз эркини, бахтини излаб, қўмсаб келган қорақалпоқ халқи бугунги кунда ўз саодатини, бахтини бутун Ўзбекистон, ўзбек халқи билан бирга кўраётганлигидан чексиз ғурур ва ифтихор ҳисси билан йўғрилган.

Зеро, бу ҳис ва ҳаяжон серқуёш юртимизнинг пойтахти - азим Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Қорақалпоғистон Республикаси маданияти ва санъати байрами тантаналарида ҳам ўзининг тўла ифодасини топди.

«Қорақалпоқ халқи ҳамиша ўзбек халқи билан бирга!» шиори остида ўтган мазкур тадбир давомида шаҳарликлар, пойтахтимиз меҳмонлари ушбу қардошлик байрами тантаналарининг бевосита иштирокчисига айланди, десак муболаға бўлмайди. Зеро, маданият кунлари дастурига кўра, шаҳарнинг барча театрларида, майдон ва сайилгоҳларида концертлар, кўргазмалар, премьера ва учрашувлар бўлиб ўтди. Чунончи, шу кунлари Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида «Болалар расмлари», Театр майдонида эса қорақалпоқ ўтовлари кўргазмаси очилди. Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида қорақалпоғистонлик мусаввирлар ижодидан намуналар намойиш этилди.

Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси, «Баҳор» концерт зали, Республика қўғирчоқ театри ва кинотеатрлар ҳам қорақалпоқ санъати ихлосмандлари билан янада гавжум бўлди. Улар нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам донг таратган «Айқулаш», «Аму тўлқинлари» ансамбларининг, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон симфоник оркестри ва филармониясининг ажойиб концертлари ҳамда Қорақалпоқ мусиқий театри ижодкорларининг қизиқарли чиқишларидан катта баҳра олди.

Олий ўқув юртлари, корхоналар ва маҳаллаларда ўтказилган учрашувлар, самимий суҳбатлар ҳам дўст-иноқ икки халқнинг маънавий-маданий ҳаётида ўчмас из қолдирди.

18 декабр куни Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида Қорақалпоғистон маданияти кунларининг тантаналі ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Ҳ.Жўраев очди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Камолов мамлакатимиз пойтахти гўзал Тошкентда ўтказилган Оролбўйи халқи маданияти кунлари ҳеч шубҳасиз қардош халқларимиз маданиятини янада бойитишга, улар ўртасидаги дўстлик, биродарлик, оға-инилик алоқаларини бундан-да мустаҳкамлашга хизмат қилишини, қорақалпоқлар жонажон Ўзбекистоннинг истиқболини ўз истиқболи деб билишини алоҳида таъкидлади.

Маросимда Қорақалпоғистон маданияти кунлари арафасида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Фармонига мувофиқ Ватанимизнинг юксак орден-медаллари ва унвонларига сазовор бўлган ижодкорларга мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Қорақалпоғистон маданияти кунлари қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига яқдиллик билан Мурожаатнома қабул қилдилар.

Тинчлик, дўстлик, биродарлик ва қардошликни таннум этган Оролбўйи халқи маданияти кунларининг ёпилиш маросими ўзбек ва қорақалпоқ санъати усталарининг катта концерти билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев, Республика Бош вазири ўринбосари Ҳ.Кароматов қатнашди.

Ўктам ДЎСТЁР,
ЎзА мухбири.

ТОШКЕНТДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Олтинсойлик 104 ёшли Худойберди бобо Кенжабоев:

ЯНГИ АСРДАН ФАҚАТ ТИНЧЛИК СЎРАЙМАН



Йигирманчи аср эшик қоқиб кириб келганда эндигина тўрт ёшни тўлдириб, бешга қадам қўйган кезларим эди. Умр — оқар дарё, деганларича бор экан, ҳашпаш дегунча орадан юз йил ўтибди. Насиб этса, яна бир асрни кўриш насиб этиб турибди.

Яратганга шукр, 43 нафар невара, 220 дан кўпроқ чевара, 30 дан ортиқ эваралар даврасида, ўғил-қизларим соясида пиру бадавлат ҳаёт кечиряпман. Зериккан чоғларим ўзим яратган боғни оралаб овунаман. Айни қирчиллама йигит чоғимда экканим балх тути дарахти ён-атрофида қад ростлаб келаётган ниҳолларга гўё ўтмишдан ҳикоя қилаётгандек туюлади.

Эҳ-ҳе, бу кўз нималарни кўрмади, бу бошдан нималар кечмади. Биз ўзбеклар уй қуришни, тўй қилишни орзу қиламиз. Аммо, собиқ шўро даврида тузукроқ бошпана қурдиришмади. Йиллар мобайнида она қишлоғим ғариблигича қолди. Отам раҳматли лой томини тунука томга айлантиролмай, армонда кетди. Биз ўзбеклар болаларни яхши кўрамиз. Бироқ, ҳаёт машаққатлари эзиб қўйганидан халқнинг кўпайгани сезилмасди, ўшанда.

Нима ёмон, ўз ерингда, Ватанингда хўрланганинг ёмон. Қаранг, тузукроқ бино қуриш, ҳатто пахта йиғим-теримига қачон киришиш юқоридагилар измига қараб бўларди. Соддалигимиз қурсин, йиллар мобайнида газимизни қишлоқларимиздан ўтган қувурлар орқали хорижга узатиб, ўзимиз тезак тутатиб, овқат тайёрлардик. Мана, энди, мустақиллик шарофати ила олис-олис овулларга қадар ичимлик суви, газ қувурлари тортиб келтирилди. Ишлайман деганга ер, ҳунар қиламан деганга имкон яратиб берилаётгани айни муддаодир.

Афсуски, мустақил Ўзбекистонимиз ютуқларини, шу ажойиб ҳаётимизни кўролмаётганлар ҳам бор. Сариосиё ва Узун туманларининг тоғли ҳудудларида ёз фаслининг поёнида юз берган воқеалар тинчлик ва осойишталик нақадар буюк неъмат эканлигини яна бир карра эсимизга солди. Албатта, бир гуруҳ шум қадам бузғунчиларнинг қора нияти пучга чиқиб, улар тармашган жойларида маҳв этилган бўлса-да, асло хотиржамликка берилмаслигимиз, ҳушёрликни йўқотмаслигимиз даркор. Чаённинг ўзи киму тавбаси нима бўларди. Айниқса, киндик қони тўкилган она юртига милтиқ кўтариб келган нобакорлардан асло яхшилик чиқмайди.

Қуръони каримда Оллоҳ таоло муқаддас динимизни тинчлик дини, деб баён қилади ва огоҳлантиради: «Эй, иймон келтирган аҳли мўминлар, барчаларингиз ялписига тинчлик — тоат йўлига киришинглар ва шайтон йўлига эргашманглар». Ҳақ субҳонаҳу таоло бандаларини зўравонлик, ноҳақ қон тўкиш, босқинчилик, зулм қилиш нақадар оғир гуноҳ эканлигидан огоҳ этади. Бундай йўлни танлаш ширк келтириш билан баробардир. Ширк эса гуноҳлар ичида энг катта гуноҳ ҳисобланади.

Мен дунёни хўп кўрган одамман. Шунча йил яшаб, бир нарсага ишонч ҳосил қилдим: инсон эзгу мақсадларига эрк ва тинчлик бўлган тақдирдагина эришар экан. Оллоҳнинг иноятиэл севган Йўлбошчимиз Ислом Каримов раҳнамолигида озодлик неъматларидан бахраманд бўлиб яшамоқдамиз. Ишончим комил: бугун уйимни тўлдириб шодланиб юрган невара-чевараларим энг бахтли инсонлар бўлишади. Бу ёғига бизга ҳалал беришмаса бўлгани. Худо хоҳласа, ҳур Ўзбекистон янги асрда манаман деган давлатлар қаторидан ўрин олажак, иншоолоҳ.

Шу боис, мен янги мингйилликдан фақат тинчлик сўрайман!

«Пахтакор» жамоа хўжалиги, Ботош қишлоғи.

«Ишонч»га жавоб берадилар

КАСАБАҚЎМ ВАЗИФАСИДАН БЎШАТИЛДИ

Газетамизнинг шу йил 18 октябр сонида чоп этилган «Касабақўм ғирром йўлни қўллади» сарлавҳали мақолада «Челак пахта тозалаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Авазхон Ёқубов ишчи-хизматчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ўрнига маъмурият томонидан йўл қўйилган камчиликларни хаспўшлаётгани, бунинг оқибатида ходимларда касаба уюшмасига нисбатан норозилик туғилаётгани сингари масалалар қаламга олинган эди.

Ушбу мақола юзасидан Самарқанд вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси И.Усмонов имзоси билан олинган жавоб хатида маълум қилинишича, газета чиқиши жамият касаба уюшмаси аъзоларининг кенгайтирилган конференциясида атрофлича кўриб чиқилган. Масъулиятсизлик қилгани учун касабақўм раиси А.Ёқубов вазифасидан озод этилган.

Шунингдек, ҳиссадорлик жамиятида штат қисқартирилиши жараёнида меҳнат қонунларига риоя қилмаганлиги учун ходимлар бўлими бошлиғи Ш.Эрмамбетова фаолиятига ҳам муносиб баҳо берилди.

OLAMDA

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Бош вазири Атал Биҳари Важпаи Покистон билан ўзаро алоқаларни барқарорлаштириш масаласида музокара ўтказишга тайёрлик билдирди. Бироқ бунинг учун расмий Исломобод Ҳиндистон шимолида фаолият кўрсатаётган террорчи гуруҳларга кўмак беришдан тийилиши лозим, деди Бош вазир.

***

ПХЕНЯН. Шимолий Корея Европа ғарбидаги барча давлатлар билан алоқаларни ривожлантириш тарафдори. Бироқ бу ҳамкорлик ўзаро ҳурмат ва бир-бирининг ички ишига аралашмаслик тамойиллари асосига қурилмоғи лозим, деди КХДР ҳукумат вакилларидан бири.

Хабарларга қараганда, Шимолий Корея ҳозир Европа Иттифоқининг беш мамлакати билан дипломатик алоқа ўрнатган. Яқинда улар сафига Буюк Британия ва Италия ҳам қўшилди.

***

ФРАНКФУРТ. Евронинг АҚШ долларига нисбатан қиймати яна кўтарилди. Европа марказий банки навбатдаги савдода бир евро 0,8994 долларга тенг бўлганини қайд этди. Ўтган куни бу кўрсаткич 0,8984 долларга тенг бўлган эди.

***

КОЛОМБО. Шри-Ланка армияси «Тамил илама» озодлик йўлбарслари»га қарши жанговар ҳаракатларни давом эттирмоқда. Биз бундай шароитда ҳукумат вакиллари билан тинчлик музокараларига кириша олмаймиз, деди айирмачи гуруҳ раҳбарларидан бири. Унинг айтишича, сиёсий мулоқотлар фақат ҳукумат ҳарбийлари жанговар ҳаракатларни тўхтатган тақдирдагина ўтказилади.

***

БЕРЛИН. Германияда келаси йилдан бошлаб аёллар ҳам мамлакат қуролли кучлари сафида хизмат қилишни бошлайди. 2001 йилнинг январидан бошлаб 244 нафар аёл ҳарбий хизматга чақирилади ва эркаклар билан бир сафда жанговор ҳаракатларда иштирок этади. Немис аёллари шу пайтгача мамлакат армиясида фақат шифокор вазифасини бажариб келар эди.

***

ВАШИНГТОН. Халқаро валюта жамғармаси директорлар кенгаши Молдовага 142 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз ажратиш ҳақидаги дастурни маъқуллади. Бу дастур уч йилга мўлжалланган. Жамғарма вакилининг билдиришича, бу маблағни қашшоқликни тугатиш ва иқтисодиётни ривожлантиришга сарфлаш кўзда тутилган.

***

ОТТАВА. Россия президенти Владимир Путиннинг Кубага ташрифи якунланди. Шу билан бирга, унинг Канадага уч кунлик расмий сафари бошланди. У бу ерда мамлакат раҳбарлари билан мулоқаралар ўтказади. Учрашувларда томонлар икки мамлакат ўртасида иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш ва дунёвий хавфсизлик масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашади.

Маълумотларга қараганда, икки мамлакат ўртасидаги маҳсулот айрибошлаш ҳажми бир миллиард Канада долларига етади. Бироқ бу Канада умумий ташқи савдосининг 0,2 фоизини ташкил қилади, холос.

***

ЖАКАРТА. Индонезиянинг Ачех вилоятида ҳукумат армияси билан айирмачилар ўртасидаги тўқнашувлар давом этаяпти. Шундай тўқнашувлар сабаб ўтган икки кун ичида ўн бешга яқин одам ҳалок бўлди. Улар орасида ҳарбийлар ҳам бор. Хабарларга қараганда, айирмачилик асосидаги уруш-жанжаллар вилоятнинг туманларига ҳам ёйилмоқда.

***

БАҒДОД. Ироқ соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотига қараганда, мамлакатда халқаро иқтисодий жазо чораларидан ўтган ойда ўн мингдан ортиқ одам нобуд бўлган. Уларнинг 7,5 мингини болалар ташкил қилади.

Халқаро жазо жорий қилингандан буён, яъни ўн йил ичида Ироқда қурбонлар сони 1,3 миллионга етди.

***

РИГА. Литва билан Югославия ўзаро дипломатик алоқа ўрнатмоқчи. Расмий Рига Воислав Коштуница Югославиянинг янги президенти этиб сайлангандан сўнг, яъни октябрда мазкур давлат билан дипломатик муносабат ўрнатишга қарор қилган эди. Орадан бир неча кун ўтиб, бу ташаббус расмий Белград томонидан ҳам маъқулланган.

(ЎзА).

NIMA GAP

Тармоқ касаба уюшмаларида

ИШЛОВЧИ АЁЛЛАР ТАШАББУСИ БИЛАН

Тошкент вилоят ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг ташаббуси билан «Соғлом авлод йили» дастурига мувофиқ Ғазалкент шаҳрида «Меҳнаткаш аёллар муаммоларини ўрганиш ва хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялашни янада кучайтириш» мавзуида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Унда тармоқдаги йирик корхоналар касаба уюшма қўмиталарининг етакчилари, хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллари қатнашдилар.

Ҳозирги пайтда тармоқ корхоналарида меҳнат қилаётган 42 минг нафар ишчи-хизматчидан 8 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги меҳнат шароити ноқулай ва соғлиққа зарарли бўлган жойларда ишламоқдалар.

Вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитасининг раиси Мавжуда Халилованинг «Меҳнаткаш аёлларни ижтимоий ҳимоялашдаги муаммо ва ечимлар» мавзуидаги маърузасида ушбу масалага алоҳида урғу берилди.

Таъкидланганидек, амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳам талайгина. Жамоатчилик кенгашлари томонидан корхоналарда меҳнат қилаётган хотин-қизлар рўйхатга олиниб, уларга амалдаги қонун-қоидалар ва жамоа шартномаларига мувофиқ қўшимча имтиёз ва қулайликлар яратилган.

Шунингдек, тармоқ корхоналарида ишлаётган аёлларга бериладиган имтиёзларни янада кенгайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, меҳнат шароитини енгиллаштириш борасидаги таклифлари ҳам баён этилди.

Айни пайтда тармоқ корхона ва ташкилотларида раҳбарлик лавозимида ва юқори маошли касбларда фаолият кўрсатаётган аёлларнинг салмоғи озчиликни ташкил этади. Шу билан бирга айрим жамоаларда иш ҳақи тўлаш ойлаб кечикмоқда.

Ўқув-семинар қатнашчиларини қўмита ҳуқуқшуноси республикамизда кейинги йилларда қабул қилинган ва ишловчи хотин-қизларга дахлдор бўлган, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоялашга қаратилган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар билан таништириб, маслаҳатлар берди.

Абдувоҳид АҲМЕДОВ,
Тошкент вилоят ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма қўмитасининг бўлим мудири.

Буюк ипак йўлини қайта тиклаш жараёнлари кўп жиҳатдан темир йўл тизими билан боғлиқдир. Шу сабабли ҳам «Ўзбекистон темирйўллари» Давлат ҳиссадорлик компанияси йўл қурилиши бошқармаси бу хайрли ишга яқиндан бош қўшиб, катта бунёдкорлик ишларини бошлаб юборди.

АВСТРИЯДАН ОЛИНГАН МАШИНАЛАР

Темир йўлларни таъмирлаш сифатини ошириш мақсадида зарурий техникалар олинди. Австриядан йўл созлаш машиналари келтирилиши ҳам айни муддао бўлди. Бундай замонавий техниканинг ҳар бир мажмуаси тўртта машинадан иборат. Улар ёрдамида пўлат излар оралиғига солинган чақиқ тошлар бирваракай ҳам кўчириб тозаланади, ҳам қайта тўкилади, ҳам текис қилиб мустаҳкамланади. Шу усулда Олмазор-Чиноз темирйўл бекатлари қайта сифатли қилиб таъмирланди.

Бу каби қулай техника воситаларини сотиб олиш учун Осиё тараққиёт банки темирйўл компаниясига кредит ажратди.

С.ИНОМОВ.

БИРЖА ИШ БОШЛАДИ

Адлия вазирлигида кўп тармоқли агросаноат биржаси тизимига кирувчи «Бухоро агросаноат биржаси» рўйхатга олинди. Шу тариқа Бухоро вилоятидаги биржалар сони яна биттага кўпайди.

Янги биржа низомида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ундан қайта ишланган маҳсулотни сотиш, деҳқон ва фермер хўжалигидаги ишлаб чиқарувчиларни зарур хом ашё, материаллар, техникалар, ускуналар, кичик технологиялар ва халқ эҳтиёжи моллари билан таъминлаш агросаноат биржасининг асосий йўналишлари сифатида қайд этилган.

Товарларни экспортга легитим маблағга сотиш ва сотиб олиш, уларнинг импорт бўйича ҳисоб (клиринг) палатаси орқали валютасиз олди-соттисини ташкил этиш, кўчмас мулк операцияларини ўтказиш, фьючерс ва форвард шартномаларини тузиш ишлари билан шуғулланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган янги биржа бозор тузилмалари ўртасида рақобатни кучайтирди. Бу эса нафақат Бухоро вилояти, балки мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам фойда келтиради.

Гўзалкент тумани машина трактор парки давлат ҳиссадорлик жамиятида иш қизғин кетмоқда. Жамият аъзолари келгуси йил ҳосили учун зарур барча қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирдан чиқармоқдалар. Жамоа ўтган 11 ой давомида каттá ҳажмда иш бажарди. Мавжуд 8 та «Кейс» комбайнлари назоратдан ўтказилди.

Суратда: цех бошлиғи Қурбон Маматов ва чилангар Низом Жумаев.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

БУХОРО ЙОГУРТИ

Бухоро туманидаги «Маданият» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти Тошкентдаги «Барака лизинг» компанияси воситачилигида Исроилдан сутни қайта ишловчи замонавий технологик линия сотиб олди. Бу линия ускуналари ёрдамида суткасига 6 тонна сутни қайта ишлаш мумкин.

Айни пайтда фермерлар ва аҳолидан ҳар куни 1-1,5 тонна сут қабул қилиниб, юқори сифатли йогурт, голланд пишлоғи, сариёғ, қаймоқ сингари 8 турдаги хуштаъм сут маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлиги

ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАРГА МАДАД

Хўжалигимиздаги барча мевазорлар, экин майдонлари касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда пудратчиларга узоқ муддатга бўлиб берилган. Айни чоғда 300 нафардан ортиқ пудратчилар фаолият кўрсатмоқда.

Ҳудудимиздаги 3 та қишлоқда газлаштириш ва ичимлик сув масалалари асосан ҳал этилган. Даромадни кўпайтириш эвазига қурилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларига йилига ўн миллион сўмлаб маблағ ажратилаётир.

Бу йил ҳам деҳқонларимиз кўтаринки руҳда меҳнат қилиб, йилни баракали якунладилар. Барча соҳалардаги режалар ортиғи билан адо этилди. Шунинг учун ялпи даромадимиз 75 миллион, соф фойда салмоғи эса 25 миллион сўмдан кам бўлмаслиги кутилмоқда. Ана шулар ҳисобига ҳар бир касаба уюшма аъзосини меҳнатига яраша рағбат кўришини таъминлашга эътиборни қаратмоқдамиз. Мисол учун ширкат аъзоларининг ойлик маошлари 10 минг сўмдан кам бўлмаслиги кутилаяпти. Бу, йил давомида олинган ҳар бир сўм учун 1,5 сўмдан қўшимча даромад деганидир.

Мавлуд Алиев, Карим Умаров, Негмурод Шомиев, Али Аъзам ўғли, Низом Шаманов сингари боғбон, сабзавоткор ва пахтакорларимиз бу йил энг яхши натижаларга эришдилар. Маъмурият ва касабақўм ана шу илғорларни муносиб тақдирлашни унутмади. Уларга 300 минг сўм миқдорида қимматли мукофотлар берилди. Ўнлаб ишлаб чиқариш илғорлари сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар олдилар.

Меҳнаткашлар саломатлигини муҳофаза этиш, уларнинг кўнгилдагидек дам олишларини ташкил этиш масалалари ҳам диққат марказимизда. Соғлом авлод йили дастурига мувофиқ 2 та болалар боғчаси тарбияланувчиларига кетадиган сарф-харажат тўлиқ хўжалик ҳисобидан қопланмоқда. Хўжалик ҳудудидаги мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари тўлиқ газлаштирилган. Кўп болали, кам таъминланган оила фарзандларига, боқувчисини йўқотган кишиларга йил давомида кўмак бериш ҳам одат тусига кириб бораётир.

Хулоса шуки, касаба уюшмаси билан бамаслаҳат иш юритиб, иқтисодий ислоҳотлар самарасини оширишга эришаётган эканмиз, шубҳасиз, бундан кейин ҳам ҳамкорликни мустаҳкамлайверамиз.

Раҳмат ИНОЯТОВ,
Бухоро туманидаги Соли Ёдгоров номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси.

КОНИ ФОЙДА ИХТИРОЛАР

Мамлакатимиз энергетика дастурини амалга ошириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг энергетика ва автоматика институти олимлари самарали изланишлари эса республикамиздаги йирик корхоналарни янги замонавий қурилмалар билан қуроллантириш учун мустаҳкам илмий-техник негиз яратмоқда.

Илмий муассаса тадқиқотлари асосида мураккаб техник мосламаларнинг тажриба-саноат намуналари ҳам юзага келди. Тошкент ГРЭСида нефт қуюмларини тозалашда улар технологик восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Энергетик олимлар ишлаб чиққан алгоритм ва дастурлар Сирдарё ва Навоий нурхоналарида тажриба-синовидан яхши ўтди. Таллимаржон ГРЭСида техникавий автоматик тизимни жорий этишда ҳам бу каби ишланмалар қўл келди. Электр қувватини тежашга доир тадқиқот натижаларини жорий этиш «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятига йилига 43, «Ўзпахтасаноатсавдо» корхонасига 60 миллион сўмлик иқтисодий фойда келтирди.

А.АЛИЕВ.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «Қичқириқ» мебел ишлаб чиқариш корхонаси аҳолини уй-жиҳози - мебелга бўлган талабини қондириб келаётган корхоналардан. Корхона аҳоли билан буюртма асосида иш олиб боради ва харидорнинг истаги асосида бежирим, сифатли мебеллар тайёрайди.

Суратда: ўз касбининг устаси Зиёвуддин Зайниддинов шогирди Фахриддин Зайниддинов билан.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Энг катта савоб

ХАЙРИЯ ЎН КУНЛИГИ

Вилоят ҳокимининг қарори билан Андижонда хайрия тўплаш ўн кунлигини ўтказиш одат тусига кириб боряпти. Мазкур савобли тадбирдан тушган маблағ яна савоб ишга — Қизил Ярим Ой жамияти қўмитаси орқали ногиронларга, якка-ёлғизлар ва кам таъминланган оилаларга сарфланади, фавқулодда вазиятларда жабр кўрганларга кўмак берилади.

Бу йил ҳам ҳокимлик қарори билан вилоятда 1 декабрдан 10 декабргача Хайрия ўн кунлиги ўтказилди. Бу тадбирнинг муборак Рамазон ойида ўтказилиши бежиз эмас. Чунки мазкур ойда қилинган хайр-эҳсоннинг савоби улуғдир.

Кутилгандек, хайрия ўн кунлиги баракали бўлди. Масалан, «Андижон ёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти дастлабки кунлардаёқ «Қизил Ярим ой» жамияти ҳисобига 500 минг сўм, вилоят электр тармоқлари корхонаси 100 минг, «Андижоннефтмаҳсулотлари» унитар корхонаси 150 минг сўм маблағ ўтказдилар. Бобур номидаги ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти хайрия тўплаш ўн кунлигида «Қизил Ярим ой» жамияти вилоят бўлимига 300 минг сўмлик тайёр ип-газлама беришдан ташқари, вилоят кар-соқовлар жамиятига 150 минг, ногиронлар жамиятига 100 минг сўмлик ўз маҳсулотларидан инъом этди.

Шуниси диққатга сазоворки, юқоридаги тадбирларда касаба уюшма ташкилотлари фаол иштирок этдилар.

А.МУҲАММАДЖОНОВ.

«ПАХТАБАНК»КА

Мустақиллик шарофати

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ БЕРИЛДИ

Бугунги кунда банклар жаҳон иқтисоди тараққиётининг мезони сифатида ўз фаолиятларини такомиллаштириб, хизмат чегараси ва моҳиятини кенгайтирган ҳолда йирик молия институтларига айланмоқдалар. Булар қаторига, «Токио Митсубиши банк», «Сакура банк» (Япония), «Дойч банк», «HKSB» (Гонг-Конг), «Чейз Манхеттен банк» ,«Сити банк» (АҚШ) каби дунёнинг энг йирик банкларини киритиш мумкин. Шуниси қувонарлики, мустақиллик йилларида мамлакатимиз тижорат банклари ҳам жаҳонга юз тутди. Шулардан бири «Пахтабанк»дир. Жаҳоннинг 95 дан ортиқ мамлакатидаги мингдан зиёд машҳур банк — молия институтлари фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилишга ихтисослашган - «Томсон Файненшиал Бэнк Вотч» компанияси томонидан Акциядорлик Тижорат «Пахтабанк» Ўзбекистоннинг йирик ва молиявий барқарор ташкилоти сифатида тан олинди.

Маълумки, кейинги йилларда банк тизимининг республикамиз иқтисодий юксалишидаги аҳамияти ортиб бормоқда. Бунда юқоридаги банкнинг ҳиссаси салмоқли бўлаётир. Хусусан, у кейинги йилларда ҳар томонлама ривожланди. Иқтисодий салоҳияти кескин ўсди. Мижозларга молиявий ва кредит хизмати кўрсатиш сифати давр талаби даражасига кўтарилди. Банк хизматининг бир қатор янги, замонавий, янада самарали усуллари жорий этилди. Энг муҳими, кредит бериш ва ҳисобкитоб қилиш тамойиллари бозор муносабатлари талабларига мос тарзда такомиллаштирилди. Шу боис банкка юқоридаги халқаро рейтинг баҳоси берилди. Рейтинг таҳлилларига кўра, «Пахтабанк» ўз активлари билан республикада иккинчи, устав капитали миқдори бўйича учинчи ўринни эгаллади. Айни пайтда, ушбу компания томонидан банк фаолиятининг ҳар бир жабҳаси таҳлил қилиниб, муносиб равишда IC-C/D ҳамда LC-2 рейтинг кўрсаткичлари билан баҳоланди. Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, LC-2 кўрсаткичи - иккинчи энг юқори категория ҳисобланиб, асосий маблағ ва фоизларни ўз вақтида қайтариш қобилияти кучли бўлганда бериладиган баҳодир.

Бу — авваламбор, унинг истиқболини белгилашда, хорижий сармояларни янада фаолроқ жалб этишда, халқаро банк-молия ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларни ўрнатиш борасида зарурий шарт-шароитлар, янги имкониятлар яратиб беради. Қолаверса, бу баҳо банк мавқеини республика ичида ва унинг ташқарисида янада юксалганидан, жаҳон молия ҳамжамиятида ибратли ютуқларни намоён эта олганидан далолатдир.

Бундан ташқари «Пахтабанк» дунёдаги энг йирик ва молиявий салоҳиятли банклар фаолиятини таҳлил этиш билан шуғулланувчи халқаро «The Banker» альманахи рейтинг баҳоларига эга бўлганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозимдир. Бу эса ўз навбатида халқаро банклар ҳамжамияти билан интеграциялашув жараёнини тобора жадаллаштиришга хизмат қилади. Бундай саъй-ҳаракатлар тижорат банклари олдига кўндаланг қўйилаётган талабларга тезроқ мослашиш, хорижнинг илғор банк технологияларини самарали жорий этиш, чет эл сармояларини қишлоқ хўжалигига ва ушбу тармоқда етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш билан шуғулланувчи саноат тармоқларига жалб қилиш имконини бермоқда.

Мисол учун чет эл молия институтлари билан корреспондентлик муносабатлари, амалий учрашувлар чоғидаги шахсий алоқалар, интернет воситачилигидаги ҳамкорликда фаол иштирок этиш усулларидан самарали фойдаланилмоқда.

Шу йилнинг 3-4 ноябр кунлари пойтахтимиз Тошкентда илк бор (КИКА)нинг Бош Ассамблеяси ўтказилди. Ташкилотчиси «Пахтабанк» бўлган КИКАнинг мазкур Ассамблеяси юбилей,, - яъни ўттизинчи йиғилиши эканлигини таъкидлаш жоиздир.

Айтиш мумкинки, бундай нуфузли халқаро банк ва молия институтлари билан амалий ҳамкорлик ўз самараларини бермоқда. Хусусан, куникеча «Пахтабанк» билан Европа Тараққиёт ва Тикланиш банки ўртасида республикада кичик ва ўрта бизнесни молиялаш мақсадида 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит шартномаси имзоланди. Бу эса ўз навбатида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш имконини яратади. Бундан ташқари, Осиё Тараққиёт банки тизимни ривожлантиришга грант ажратгани ҳолда, ушбу банк орқали кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиялаш учун яна 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит йўналишини очишни мўлжаллаётир.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири.

ТИББИЁТ ПУНКТЛАРИ ВА ШИФОХОНАЛАР УЧУН

«Ўзфармсаноат» концернининг «Туронтиббийсервис» давлат қўшма корхонаси энг янги тиббий техника ва асбоб-ускуналарнинг маҳаллий намуналари кўргазмасини очди. Намойиш этилаётган буюмлар орасида турли хил кўринишдаги тиббиёт шкафлари, массаж ва текшириш кушеткалари, шифохона кароватлари, пеноплен ишлаб чиқариш учун фторопласт хомашё, қадоқлаш ленталари ва бошқа буюмлар бор.

Кўргазма ташкилотчилари ўзларининг маҳорати ва имкониятларини намойиш қилиш билан биргаликда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга интилмоқда. Хусусан, соғлиқни сақлаш муассасалари учун зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш учун чидамли ва арзон хомашёни излаш ишлари олиб борилмоқда.

РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ

Соғлом фарзандлар туғилиши ва уларнинг ҳар томонлама бақувват бўлиб ўсиб-улғайиши учун оилада қандай шароитларни муҳайё қилиш керак? Шу ва шу каби бошқа саволларга хоразмлик янги турмуш қурган ёшлар Урганчда очилган вилоят репродуктив саломатлик марказидан истаган пайтда жавоб топа олади.

Янги марказ ўз фаолиятини мамлакатимиздаги БМТнинг аҳолишунослик жамғармаси ваколатхонаси томонидан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон шифокорлари учун ташкил этилган семинардан бошлади. Келажакда ушбу даргоҳда маҳаллий қўмиталар ва аёллар кенгашлари фаолларининг илк тиббий билимларини ошириш мақсадида мунтазам машғулотлар олиб борилади, шунингдек, умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ва олий ўқув юртларининг талабалари ўртасида турли мунозаралар ўтказилади, бўлажак ёш ота-оналар мутахассисларнинг фойдали маслаҳатларидан баҳраманд бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, марказ ходимларининг фаолияти Соғлом авлод йили ва келгуси Оналар ва болалар йили вазифалари доирасидаги энг муҳим тиббий-ижтимоий дастурларни амалга оширишга йўналтирилмоқда.

(ЎзА)

Ўз уйингни ўзинг асра

МАҲАЛЛА ПОСБОНЛАРИ

Нишон — Қашқадарё вилоятидаги ҳудуди жиҳатидан энг катта туманлардан бири. Бу ерда 7 та қишлоқ, битта шаҳарча, 16 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда 24 нафар маҳалла посбони осойишталикни сақлаш йўлида тарғибот-ташвиқот ишларини намунали олиб бормоқда.

Туман ички ишлар бўлими билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар ҳам ўз самарасини бераётир. Маҳалла посбонлигига бақувват, чапдаст йигитлар танланганлиги бежиз эмас. Уларнинг бевосита кўмаги билан туманда жиноятчиликнинг олдини олиш, экинларни пайхон қилишга қарши кураш тадбирлари амалга оширилаётир.

— Жорий йилда 35 та жиноят содир этилган бўлса, шунинг 31 таси маҳалла посбонларининг ҳушёрликлари, фаол ҳаракатлари билан фош этилди, - дейди туман ички ишлар бўлими бошлиғининг муовини, милиция майори Йўлчи Кенжаев.

Шунингдек, 310 та турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар ҳам маҳалла посбонлари томонидан аниқланди.

«Оқ олтин» қишлоқ фуқаролар йиғинидан Юнус Жўраев, «Балхияк», «Ширинобод» қишлоқ фуқаролар йиғини, «Нуристон» шаҳарча, «Озод» маҳалла фуқаролар йиғини посбонлари Шариф Жумаев, Миркомил Тўраев, Қаландар Муродов, Ҳусан Ўтаевлар турли кўринишдаги тартиббузарликларни аниқлашда ички ишлар бўлими ходимларига яқиндан кўмак бераётирлар.

Экинларни пайхон қилишнинг олдини олиш бўйича 43 та ҳолат ҳам маҳалла посбонлари томонидан аниқланди. Пайхонга йўл қўйган фуқароларга нисбатан амалдаги қонунларга асосан 43250 сўм жарима солинди.

Халқ осойишталигини сақлашда маҳалла посбонлари ички ишлар ходимларининг таянчи ва ишончли вакилларига айланаётганидан аҳоли мамнун бўлаётир.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

СУРАТДА: милиция капитани Шавкат Ўринов маҳалла посбонлари билан.

ЛОҚАЙДЛИК — ҚАЛБ ФАЛАЖИ

Мамлакатимизда инсон саломатлигини муҳофаза қилиш давлатимизнинг доимий эътибори ва назоратидадир. Зеро, саломатликка дахлдор ҳар қандай лоқайдлик жуда қиммат-га тушиши мумкин.

Ҳозирги пайтда Самарқанд вилоятида ассасалари ходимларининг қинғирликлари, бурч масъулиятини унутиб қўяётганликлари кўзга ташланиб қолмоқда. Масалан, Иштихон туман марказий шифохонаси туғруқ бўлими мудири Г.Эргашева ҳамда реаниматолог М.Бекназароваларнинг масъулиятсизлиги оқибатида фуқаро С.Турғунова, М.Давировалар ҳаётдан эрта кўз юмдилар.

Самарқанд шаҳар Гагарин кўчаси, 48-уйда жойлашган дорихонада Туркиянинг «ЭКОМ Эджзаджибаши» фирмасининг гастросидин дориси тамғаси босилган қалбаки маҳсулот мавжудлиги аниқланди. Дорихона сотувчиси Муҳаббат Ражабова бу ҳолни изоҳлаб беролмади. Шунингдек, шаҳардаги «Раҳмон» хусусий фирмасининг омборида 22 қути ана шундай қалбаки дори сақланаётгани фош этилди. Бундан ташқари фуқаро Д.Каримов Темирйўл туман деҳқон бозорида ўзи фарқига бормайдиган доридармонларни ҳеч бир

Оқ халатга доғ тушираётганлар

Л.Исаев номли паразитология илмий текшириш институтида эса бош ҳисобчи М.Аҳмаджонова бошчилигида давлат маблағлари талон-торож қилинишига йўл қўйилди. Бу бурч масъулиятини унутиш оқибати эмасми?

Инсон соғлиғига путур етганида даволанишга, дори-дармон истеъмол қилишга мажбур. Аммо биз харид қилаётган дориларнинг сифатлилигига ким кафолат беради? Бу жавобгарлик дори ишлаб чиқарувчилар ва дорихона ходимларининг зиммасида, албатта. Афсуски, баъзида кўнгилни хира қиладиган ҳолатларга дуч келинмоқда.

Прокуратура идоралари томонидан текшириш ўтказилганда ҳужжатсиз сотаётган экан. Агар улар қўлидаги дорилар қалбакилиги фош этилмаганда қанча одамнинг соғлигига зарар етиши эҳтимолдан холи эмасди, албатта. Бу дорилар мусодара этилиб, йўқ қилинди.

Текширишлар жараёнида вилоят онкология ва шаҳар тери-таносил касалликлари диспансерлари шунингдек, бошқа айрим тиббиёт масканларида ҳам жиддий нуқсонлар мавжудлиги аниқланди. Қисқаси, юқорида санаб ўтилган барча ҳолатлар бўйича тегишли қонуний чоралар кўрилди.

Ё.ТУРДИЕВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

КОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР

Ноқонуний йўллар билан бойлик тўплаш қонунга хилоф иш эканлигини Косон шаҳридаги Регзор маҳалласида яшовчи Анвар Турсунов ҳам яхши биларди. Лекин у балоий нафсини жиловлай олмай «ётиб қолгунча, отиб қол» қабилида иш тутди. У уйида пинҳона электр энергияси билан ишлайдиган қўлбола жувоз қуриб олди. Ҳеч бир ташкилотнинг рухсатисиз чигитдан ёғ ишлаб чиқарадиган «Пресс» аппарати ўрнатиб, юқори кучланувчи токка улади. Буни қарангки, бир зумда ўйлаганидан ҳам ортиқ пул сувдек оқиб кела бошлади, лекин...

Қарши шаҳридаги Каманди қишлоғи Хумо кўчаси, 4-уйда яшовчи С.Султонов ҳам қинғир йўллар билан пул жамғаришда А.Турсуновга ўхшаганларга устозлик қиладиганлар хилидан чиқиб қолди. У

СИРЛИ «ЦЕХ» ФОШ ЭТИЛДИ

ҳам давлат рўйхатидан ўтмасдан ноқонуний жувоз қуриб олди. Солиқчиларни «Қилни қирқ ёрганлар» деб бежиз айтишмайди. Яқинда улар томонидан ноқонуний иш юритаётганлар сири фош этилди. Барча мосламалар, 100 килограммдан ортиқроқ тозаланмаган пахта мойи, 503 килограмм чигит, 26 килограмм кунжара, жами 42849 сўмлик маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олинди.

Ҳар иккала сохта тадбиркор иши юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб бориляпти.

Шу ўринда бир мулоҳаза бор: ҳозир айрим бозорларда тозаланмаган, истеъмолга мутлақо яроқсиз пахта мойлари яширинча сотилаётганлиги бор ҳақиқат. Бу маҳсулот кишиларни заҳарлаши турган гап. Ҳуқуқ идоралари ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан ёғфурушлар сири фош этилиб, жазога тортилаётирлар. Лекин давлат назоратида бўлган асосий хомашё — чигитни улар қаердан олишаяпти, кимлар хомийлик қилаяпти. Бу йўл билан иш тутиш тадбиркорлик эмас, балки кишилар соғлигига зиён етказиш эканлигини наҳотки ана шу хомийлар тушуниб етишмаса?!

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ.

Тадбиркор манфаати ҳимояда

НОҚОНУНИЙ ТЕКШИРУВ

УНДАН КИМГА ҚАНДАЙ НАФ?

Арнасой туман статистика бўлими ўтган йилги фаолияти давомида хўжалик юритувчи субъектларда текширишларни мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан тасдиқланган жадвалга эга бўлмаган ҳолда назорат тартибида 7 та хўжалик юритувчи субъектда режадан ташқари текшириш ўтказган.

2000 йил учун ҳам режа-жадвал тасдиқланмаган. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида ҳам 2 та хўжалик юритувчи субъект режадан ташқари назоратдан ўтказилган.

Жумладан, туман статистика бўлими бошлиғи А.Ҳикматов 7-а-сонли буйруқ чиқариб, унга асосан бўлим мутахассислари У.Абдуғаниев ва И.Сайдуллаевларни «Чинор» ҳамда «Деҳқон бобо» фермер хўжаликларида дон етиштириш ва сотиш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини аниқлаш мақсадида хизмат сафарига юборган. Улар «Чинор» фермер хўжалиги раҳбари Б.Ибрагимов иштирокида ўтказган текширишда ҳисоботда ҳеч қандай фарқ йўқлиги ҳақида далолатнома тузишади. Худди шундай ҳол Б.Эгамбердиев раҳбарлигидаги «Деҳқон бобо» фермер хўжалигида ҳам такрорланади. Фермер хўжалиги 2000 йил 4-СХ ҳисоботида 20 гектар ерга ғалла ва 10 гектар майдонга чигит экилгани кўрсатилганлиги, ҳисобот билан амалда экилган майдон ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқлиги юзасидан далолатнома тузишган.

Бу билан туман статистика бўлими Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда республика ҳукуматининг 1998 йил 27 ноябрдаги 496-сонли қарори талабларини бузган.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва бундан буён ана шу каби камчиликларга йўл қўймаслик, айбдорларга тегишлича интизомий жазо бериш юзасидан вилоят Адлия бошқармаси томонидан вилоят статистика бошқармаси бошлиғи номига тақдимнома киритилди.

Абдурашид АБДУРАИМОВ,
Жиззах вилоят Адлия бошқармаси бўлими мудири.

ИСНОД

Косон шаҳрида истиқомат қилувчи Г.исмли аёлга нима етишмасди? Усти бут, рўзғори тўкис. Ширидан-шакар болалари бор. Аммо Г.га булар камлик қилган кўринади. Йўқса, ҳаммасидан воз кечиб, оғуфурушлик қиларидми?

Б.Ниёзов бошқарувидаги «ВАЗ-2106» русумли автомашинада кетаётган ана шу аёл Бойсун туманидаги «Дарбанд» ДАН масканидагилар эътиборини тортмай қолмади.

Хизмат текшируви пайтида аёлнинг сийнабанди остидан 217,1 грамм миқдорида «героин» гиёҳвандлик моддаси топилди. Айни пайтда бу иш юзасидан жиноий иш қўзғатилган бўлиб, суриштирув ишлари олиб бориляпти. Энди Г.нинг гулдай умри қавми-қариндошларидан, болаларидан йироқда ўтади.

ШАРОБ КЕЛТИРГАН АЗОБ

Ёмон нарсанинг ози ҳам, кўпи ҳам яхшилик келтирмайди, деган гап бор. Агар шу йилнинг 19 октябр куни бу нохуш воқеа бўлмаганда, тўғрироғи, захри қотилни меъёридан ортиқ истеъмол қилмаганда эди Йўлдош Имомов ўз оиласи бағрида, бола-чақаси ёнида тинчгина яшаётган бўларди.

Ҳаммаси Қизилтепа шаҳридаги Марказий бозорга эрталаб соч олдиришга бориб улфатлар билан «юзта-юзта» отишдан бошланди. Кейин улфатчилик Алишер Навоий номли хўжалик ҳудудидаги 4-бригадада яшовчи Ахтам Аллаёров билан унинг уйи ёнида давом этди. Охири шишадошлар ўртасида чиққан жанжал Ахтам Аллаёровнинг калтакланиб, тепкиланиши билан тугади. Сўнг бир жароҳат билан касалхонада даволанган унинг ўнг кўзи кўриш қобилиятини бутунлай йўқотгани маълум бўлди...

Яқинда бўлиб ўтган суд Йўлдош Имомовнинг жиноий қилмишига қонуний баҳо берди. Суд республика Президентининг амнистия тўғрисидаги Фармони билан жазони 2 йилу 7 ойга қисқартирган бўлса-да, қолган 5 йилу 3 ойи тиканли сим ортида ўтадиган бўлди.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ХИЁНАТДАН БОШЛАНГАН ЖИНОЯТ

— Авжи кучга тўлган, уйланадиган ёшдасан, болам. Ишласанг бўлмайдими?, — неча бор зорланди она.

— Бўлмайди! — отаонасига ўқрайди Лутфулло ва дарвозани жон-жаҳди билан ёпиб, чиқиб кетди.

У ишёқмаслиги, тайёрга айёрлиги, қўпол, очкўз ва худбинлиги билан аллақачон қариндош-уруғ ва таниш-билишларининг жонига тегиб бўлган эди. Қаёққа боришни, кимдан пул ёки бошпана сўрашни билмай, шаҳар кўчаларида санғиб юрганида олтинкўллик тадбиркор И.Мирзаев уни ўз уйи сари бошлади:

— Сенга ҳунар ўргатаман. Нонинг бутун бўлади.

Исроилжон эртасига уни ўзи бошчилик қилаётган «Ҳунарманд» хусусий дурадгорлик устахонасига шогирдликка қабул қилди. Ётоқ жой билан таъминлади, озиқ-овқатни ҳам ўз зиммасига олди.

Лутфуллода зиғирча виждон, андиша бўлганида, бу ҳиммат учун устанинг ҳурматини жойига қўйган бўларди. У эса батамом бунинг аксини қилди. Йигирма кунлар текин еб-ичиб, сариқ чақалик ҳам иш бермай юргани етмагандек, бир кечада корхона бисотидаги 150 минг сўмлик ёғочни машинага ортди-да, бозорга олиб бориб, 52 минг сўмга пуллади. Шу бўлди-ю устахонага қайтиб қорасини кўрсатмади.

Бу шунчаки ўғрилик эмасди: она берган оқ сутга, отанинг ғамхўрликларига, фарзандлик бурчига, йигитлик шаънига ва бир инсон кўрсатган меҳр-мурувватга, унга бағрини очган «Ҳунарманд» жамоасининг ишончи ва умидига хиёнат ҳам эди.

Ҳаромдан келган пул ҳаромга кетади, деганларидек, ўғриликдан келган пулнинг баракаси бўлмади. Лутфулло яна кўчама-кўча тентирай бошлади. Шундай кунларнинг бирида муюлишда енгил оёқ Қ. Қаҳҳоровага дуч келди. Улар «жой» излаб, Олтинкўл кўчасидаги уйлардан бирига келишди.

— Чит бўяйдиган бир тадбиркор дўстим бор, ижарага хона қидириб юрибди, ойига 20 минг сўм беришгаям рози. Бундан ташқари ўзим устаси фаранг дурадгорман. Уйингизда қандай таъмирлаш ишлари бўлса айтаверасиз. Текинга бажариб бераман, — ёлғонни тўқиб-бичди Лутфулло уй соҳибига.

Уй эгаси ҳар ойда нақд 20 минг сўм тушумни, текин устани топганидан эриб, хоналардан бирини очиб берди. Лутфулло фоҳиша ҳамроҳи билан шу ерда тунаркан, оиланинг бор-бисотини чамалаб чиқди: рангли телевизор, видеомагнитафон ва ҳоказолар кўзига даста-даста пул бўлиб кўринди.

Л. Абдуллаев эртасига қош қорайганда яна келди: «Дўстим хонангизни ижарага оладиган бўлиб, мени юборди. Хонани бўшатиб, таъмирлашга тайёрлаб қўйишимиз керак экан», — деди уй эгасининг қизларига. Эр-хотин шу кеча уч қизини уйда қолдириб, ўзлари сафарга кетган эдилар. «Айни муддао» — деб ўйлади Лутфулло ва хонани бўшатишга ёрдамлашган бўлиб, тунни ярим қилди.

Видео томошаси тугади, қизлардан ёшлари ухлагани кириб кетиб, Лутфулло билан фақат тўнғич қиз — Элмира қолди, холос. «Қандай қилиб, бунинг кўзини шамғалат қилсам-у, телевизор билан видеомагнитафонни ўмарсам?», — кўнглидан ўтказарди у. Ўйлаб-ўйлаб ҳийла йўлини тутди: Чўнтагидан бир чимдим гиёҳвандлик моддасини олиб, сигаретанинг ичига жойлади-да, ўзи бир тортиб, Элмирага тутди:

— Чекинг. Ширин-ширин ҳаёлларга бериласиз. Фариштага ўхшаб осмонда учиб юрасиз, маза қиласиз. Қиз заҳри қотилни чекишдан қатъиян бош тортди. Лутфулло қандай қилиб бўлмасин, уни ҳушсизлантириш мақсадида, зўрлик билан бўлса-да, чектириш ҳаракатига тушди. Элмирага ёпишиб, оғзига сигарета тутди. Лекин қиз уни тортмагач, бундай йўл билан мақсадига эришолмаслигига кўзи етди. Шунда ёнидан пичоқни олиб Элмиранинг тўғри келган жойига санчаверди.

Қизнинг ёрдам сўраб додлашидан қўшни хонада ухлаб ётган Гулмира ва Азизахонлар югуриб чиқиб, даҳшатли фожеанинг гувоҳи бўлдилар. Қотил жиноий қилмишини яшириш ниятида уларни ҳам бирин-кетин бўғизлади.

Шундан кейингина телевизор билан видеоаппаратни олиб жуфтакни ростлади. Бегуноҳ уч кишининг умрига зомин бўлиш ҳисобига қўлга киритилган мол-мулкни арзон-гаровга сотиб, яна маишатга берилди. Бироқ емоқнинг қусмоғи бор, деганларидек, сал ўтмай ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан қўлга олинган Лутфулло Абдуллаевга нисбатан суд ҳукми ўқилди.

Унда қуйидаги жумлалар алоҳида таъкидланган: «... Суд ҳайъати келгусида Л.Абдуллаевни қайта тарбиялашнинг имконияти йўқ, у жамиятда ўз ўрнини топа олмайди ва жамият учун хавфли деган хулосага келиб, унга олий жазо тайин этишликни лозим топди».

Донишманд халқимиз жуда билиб айтганидек: қаноат тўрга ўтказади, очкўзлик — гўрга.

М.ҲАСАНОВ,
Андижон вилоят судининг судъяси,
М.АБДУКАРИМОВ,
журналист.

ИСТЕЪДОДЛАР КЎРИГИ

Гўзал пойтахтимиз Тошкентда бўлиб ўтган Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари узоқ вақт хотирамизда сақланиб қолади.

Нафсиламбрини айтганда, халқларимиз азал-азалдан жондошқондош, бир ота-онанинг фарзандларидек яқин, дўст-биродар бўлиб яшаб келмоқда.- Шу боис ҳам ўзбек миллати Қорақалпоқ маданиятини, санъати ва адабиётини юксак қадрлайди. Ҳақиқий маънода ижодкорлар макони бўлган қорақалпоқ элининг ифтихори Ажиниёзу Бердақдан тортиб, бугунги кунда бу табаррук заминда туғилиб ўсган ва ўзбек, қозоқ, туркман, рус тилларида ижод қилаётган кўплаб иқтидорли ижодкорларнинг ижод гулшанидан сараланган гулдасталар ўзбек китобхонининг ҳам севимли асарларига айланган.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат мусиқа театри ҳамда С.Хўжаниёзов номидаги Қорақалпоқ Давлат ёш томошабинлар театри, қўғирчоқ театри жамоалари тайёрлаган саҳна асарларидан нозиктаъб томошабинлар олам-олам завқ туйишди. «Ўзбекнаво» гастрол концерт бирлашмасининг Қорақалпоғистон бўлими, «Айқулаш» қорақалпоқ миллий рақс ансамбли, шунингдек, таниқли санъат усталари, бадиий ҳаваскорлар жамоатчилиги ва ёш истеъдодларнинг бадиий чиқишлари ҳам пойтахтахлида унутилмас таассуротлар қолдирди.

Ҳа, мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган одил сиёсатнинг таянч устунларидан бири бўлган халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарликни, аҳиллигу ҳамжиҳатликни кучайтириш, янада ривожлантиришда маданият, адабиёт ва санъатнинг муҳим ўрни бор. Тошкентда юксак савияда ўтган Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари буни яна бир карра исботлади, қолаверса бу дийдорлашув олдинги сафларда туриб ижод қилаётган шоиру адибларнинг, рассомлар ва санъаткорларнинг, маданият арбобларининг ижодий мулоқоти, истеъдодларнинг эса ўзига хос кўриги бўлди.

Темир ҚУРБОН,
«Ишонч» мухбири.

БАЙРАМ БАЗМИ – ДЎСТЛАР ДАВРАСИДА

Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида таниқли хорижлик санъат усталарининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова янги аср кириб келиши муносабати билан ўтказилган ушбу учрашувнинг ташаббускори бўлди.

Узоқ ва яқин хориждан ташриф буюрган меҳмонлар, хусусан, машҳур хонандалар Нани Бригвадзе, Эвелина Балчева, Аслан Гусейнов, Эни Грейс, Далер Назаров, Майя Омадовалар журналистларнинг саволларига жавоб берар эканлар, Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлар тўғрисида илиқ фикрлар билдиришиб, Юлдуз Усмонова томонидан ташкил этилаётган байрам базми янги дўстлар орттиришга ҳамда маданий алоқаларнинг мустаҳкамланишига замин яратажагини таъкидлашди. Юртдошимиз Азиза Муҳамедова эса ўтказиладиган шоуда Россия вакили сифатида иштирок этаётган бўлса-да, ўзини ўзбекистонлик санъаткор ҳисоблашини ҳамда она юртида ўзининг қўшиқчилик фаолияти билан боғлиқ режаларини амалга ошириш истаги борлигини маълум қилди.

«Туркистон-пресс».

Касаба уюшма спорти

МУКОФОТГА – 16 ТА ОБУНА

Навоий вилояти Қизилтепа туман касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамасдан, жамият бир қатор хайрли ташаббуслар билан чиқмоқда. «Соғлом авлод йили»га бағишлаб ўтказилган миллий кураш бўйича туман миқёсидаги турнир ана шундай ажойиб тадбирларнинг бири бўлди. Унда 42 килограммдан 100 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги юздан ортиқ полвонлар иштирок этдилар.

Икки кун давом этган мусобақаларда 90 ва 100 килограммгача бўлган вазнларда Сами Алиев ҳамда Аваз Шариповлар («Варозун» ширкат хўжалиги), 66 ва 73 килограммгача бўлган вазн тоифаларида Саври Қурбонов ҳамда Мурод Мавлонов («Бухоро» ширкат хўжалиги)лар ғолиб бўлдилар.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо эсдалик совғалари ҳамда 10 та «Ишонч» газетаси обунаси билан тақдирланди.

* * *

Мана уч йилдирки, туманда Меҳнат Қаҳрамони Худоёр Сулаймонов хотирасига бағишланган шоҳмот мусобақаси ўтказиб келинмоқда. Навбатдаги анъанавий шоҳмот турнири туман касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамда Қосим Қобилов номли ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси ташаббуси ва ҳомийлигида ташкил этилди.

Кескин ва муросасиз ўтган баҳслар бир ҳафта давом этиб, унда айниқса, «Зармитон», «Деҳқонобод», «Меҳнатроҳат», Қ.Қобилов номли ширкат хўжаликлари вакиллари фаол иштирок этдилар. Хотин-қизлар ўртасидаги мусобақаларда Роҳат Йўлдошева биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, ўсмир-ёшлар баҳсларида эса Салоҳиддин Худойқуловга тенг келадиган рақиб топилмади. Т.Файзиев ва А.Сафаровлар кейинги ўринларни эгаллашди. Кекса шоҳмотчилар беллашувларида Исмоил Салимов барча иштирокчилардан кучли эканлигини исботлади. Ҳ.Йўлдошев ва Ф.Файзиевлар ҳам совриндорлар сафидан жой олди.

Уларга фахрий ёрлиқ, эсдалик совғалари ва шунингдек, касаба уюшмалари газетаси «Ишонч»га 6 та обуна чеки топширилди.

Ҳусан САИДОВ,
Қ.Қобилов номли ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси.

САМБОЧИЛАРНИНГ ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

Югославиянинг Нови-сад шаҳрида талабалар ўртасида самбо бўйича жаҳон чемпионати ўз ниҳоясига етди. Мусобақаларда ўн беш мамлакат спортчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Ички Ишлар вазирлиги Академияси талабалари Жамшид Тиллахўжаев ва Ботир Хўжаев ўз вазн тоифасида жаҳон чемпиони бўлишди.

Мамлакатимиз терма жамоаси иккита олтин, иккита кумуш ва еттита бронза медални қўлга киритиб, жамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади. Биринчи ўрин эса Россия терма жамоасига насиб этди.

ЭКСПОНАТЛАРДА ҚИБРАЙ ТАРИХИ

Республикамизда ёш ўлкашунослар фаолиятларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Қибрай туманидаги 46-мактабда ташкил топган ёш ўлкашунослар клуби ҳам кўпгина ўқувчини ўз атрофига бирлаштирган.

Бу клуб иши республика ёш ўлкашунослар анжуманида юқори баҳоланди. Шу сабабли ҳам улар қўлга киритган археологик топилмалар жойларда энг яхши ва қизиқарли экспонатлар сифатида намойиш қилинмоқда. Болалар-ёшлар сайёҳлиги ва ўлкашунослик республика марказида янги очилган катта кўргазмани ташкил этишда қибрайлик ёш ўлкашунослар тўплаган археологик материаллардан ҳам фойдаланилди. Улар асосан Тошкент вилояти ҳудудида топилган ноёб археологик топилмалар дан иборат эканлиги томошабинлар эътиборини ўзига тортмоқда.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги якунланди

Мамлакатимизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ниҳоясига етди.

Хўш, жойларда бу тадбир қандай самара берди? Мухбиримиз Андижон вилояти ИИБ Ёнғиндан сақлаш бўлими мутахассислари билан ҳамкорликда корхона ва ташкилотларда бўлиб, ушбу тадбир натижалари билан қизиқди.

ОЛОВ БИЛАН ЎЙНАШИШЯПТИ

Дастлаб Андижон механика корхонаси қошидаги 2-ихтисослашган ўт ўчириш қисмида ёнғинга қарши кураш борасида қилинаётган ишларни таҳлил этдик. Мавжуд ўн битта цехда қоидага кўра 66 та бирламчи ўт ўчириш воситалари бўлиши лозимлигига қарамай, бор-йўғи 22 та ўрнатилган бўлиб, уларнинг ҳам аксарияти яроқсиз ҳолатда эканлиги маълум бўлди. Корхонанинг ёқилғи қуйиш шохобчасидаги жиҳозлар эса талабга мутлақо жавоб бермайди. Ҳудуддаги айрим ерларда юқори кучланишли электр симлари оёқ остида ётганлиги наҳотки ҳеч кимни ташвишлантирмаса?! Боз устига корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Толибжон Аҳмедовнинг маблағ йўқ, дея томошабин бўлиб турганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Наҳотки, 900 нафар ишчи-хизматчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш раҳбарларнинг хаёлига келмаса? 23 нафар ўт ўчирувчи тушкун кайфиятда эди. Сабаби, маъмурият улардан қарийб 2 миллион сўмлик қарзни тўлашни пайсалга солмоқда...

Избоскан туманидаги Пойтуғ газ тўлдириш шохобчасидаги ишларни кўриб, ўйланиб қоласан, киши. Айрим жиҳозлар номигагина кўз-кўз қилиш учун илиб қўйилган. Навбатчи хонасидаги «01»га уланган тўғридан-тўғри телефон ҳам ишламайди. Бино ва ёнғинга қарши воситалар таъмирталаб. Корхона директори Дилмурод Тўрақуловдан бу хусусда сўралганда "Ҳаммасини тўғрилаб қўямиз", дейишдан нарига ўтмади.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясига қарашли туман тайёрлов идорасида ёнғин хавфсизлигига қарши ҳеч қандай тадбир ўтказилмаганлиги шундоққина кўриниб турибди. Ўрнатилган қутиларнинг бирортасида асбоб-ускуналар йўқ. Раҳбар Мирзабек Турғуновнинг эса парвойи фалак.

Пойтуғ нефт маҳсулотлари таъминоти корхонасидаги ишлар анча дуруст. Ҳудудда 12 та қути, 52 дона ўт ўчириш воситаси ва 2 тонна кўпик ҳосил қилувчи модданинг заҳираси мавжуд. Бино ва омборларга ёнғиндан дарак берувчи қурилмалар ўрнатилган. Лекин айни ёқилғи қуйиш жойида носоз пайвандлаш ускуналари ишлатиляпти.

Избоскан тумани ИИБ ЁСБ ходимлари тадбир жараёнида 27 нафар шахсга нисбатан 50 минг сўм жарима солди. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаган 10 га яқин масканлар иши вақтинча тўхтатилди.

Таҳлил яна кўплаб камчилик-нуқсонларни ошкор этди. Хусусан, Шаҳрихон тумани 37-автокорхонанинг ёқилғи қуйиш шохобчасида ўт ўчириш воситалари ишламайди. Ҳатто умумий қоидага риоя қилинмаётганини қандай изоҳлаш мумкин?! Қоровулхонада қўлбола иситиш асбобидан фойдаланилаётганлигини бош муҳандис Жўрабек Ортиқов ҳам билмас экан. Ўт ўчирувчи ходимларнинг ҳақли талабларини қондириш ҳам маъмурият томонидан пайсалга солиб келинмоқда.

Иброҳим Маматов номли ширкат хўжалигида бундан-да ночор ҳолатга дуч келдик. ЁҚШсида ўт ўчириш жиҳози йўқ, махсус ҳовуз эса сувсиз. Тумандаги қурилиш-таъмирлаш бошқармаси қошидаги калиш қуйишга ихтисослашган цех қонунга зид равишда фаолият кўрсатиб, шаҳар ўртасида елимларни эритиб, экологияга жиддий хавф туғдирмоқда. Махсус қозонларда газ ман этилган воситалар орқали ишлатилаётганлигини наҳотки, ҳеч ким кўрмаётган бўлса? Цех бошлиғи Алишер Исоқов бу ҳолатни шундай изоҳлайди: «Зам.начальник билан ўзим гаплашганман, у бизга рухсат берган».

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги бўйича тузилган туман комиссияси ҳам етарли даражада иш олиб бормаганлигини мана бу рақамлардан пайқаб олиш унчалик қийин эмас. Туманда йил бошидан буён 79 та ёнғин содир бўлган. Бу ўтган йилга нисбатан кўпдир.

Бўз туманида ҳам ойлик кўнгилдагидек ўтмади. Айниқса, «Агроқурилиштаъмирлаш» корхонаси, туман савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти ва уларга қарашли дўконларда аҳвол кўнгилдагидек эмас. Энг ачинарлиси, текшириш жараёнида нафақат ташкилот ва корхоналар, ҳатто соҳа мутахассислари ҳам масъулиятли ишга бир тараффлама ёндошаётганлиги аён бўлди. Ёнғин хавфсизлиги ойлигида тадбирлар ишлаб чиқилмаган, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмаган.

Олов — ёв, деб бежиз айтмаган халқимиз. Ўз вақтида бу хавфнинг олди олинмаса, турли кўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Юқорида баён этилган камчилик-нуқсонлар қачон барҳам топади? Ўйлаймизки, ушбу саволга тегишли ташкилот ва идоралар пайсалга солмай жавоб қилишади.

Қобилжон ШОКИРОВ,
«Ишонч» мухбири.

АБУ ХАФС КАБИР - ЭКРАНДА

«Ўзбектелефильм» студияси режиссёри Тожиддин Исроилов Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма ва комедия театри ижодий жамоаси иштирокида «Абу Хафс Кабир» бадиий фильмини суратга олишни тугаллади.

Янги картина сценарийсини таниқли ёзувчи Неъмат Аминов ҳамда тасаввуфшунос олим ва шоир Садриддин Салимов ҳамкорликда ёзган. Халқ ўртасида Имом Ҳожатбарор номи билан танилган, исломнинг ҳанафия мазҳаби таълимотини тарғиб этиш ва қарор топтиришга муносиб ҳисса қўшган, шариат ҳуқуқ нормаларини назарий жиҳатдан асослаб, уларни муайян тизимга солган фақиҳ Абу Хафс Кабир /милодий 762-832 йиллар/ янги фильмнинг бош қаҳрамонидир.

Фильмда бош ролни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шамсиддин Йўллиев ўйнаган. Фильм режиссёри ва актёрлар буюк олимнинг илоҳиёт фани тараққиётидаги хизматлари учун унинг онаюрти Бухоройи шариф «Қуббат-ул-ислом» - «Ислом дининнинг гумбази» деган улуғ номга сазовор бўлганини кино санъатининг бадиий воситалари ёрдамида кўрсатишга ҳаракат қилган.

ХАЛҚАРО ТАНЛОВ СОВРИНДОРЛАРИ

Ҳиндистон пойтахти Деҳлида болалар ижодиётининг анъанавий «Шанкар» халқаро танлови бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, ўзбекистонлик ёш рассомларнинг турли мавзуда яратилган ранг-баранг асарлари намойиш этилди.

Куни кеча халқаро танлов ташкилий қўмитасидан юртимизга хушхабар келди. Унда маълум қилинишича, Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ўқувчилари, мамлакатимизда ва чет элларда ўтказилган бир қанча кўргазма, танловларнинг қатнашчиси Атҳам Ҳамроевнинг «Олтин дўппи», Нурхон Зиёхонованинг «Олифта қиз» расмлари «Шанкар-2000» халқаро танловининг Жавоҳарлал Неру олтин медали билан тақдирланган. Лицейнинг яна уч ўқувчиси - Бобур Раҳмонов, Мария Куприянова, Зарина Гисматуллина эса «Мустақиллик», «Байрам», «Биринчи қўнғироқ» асарлари учун халқаро танлов совриндори бўлган.

(ЎзА)

ҲИКОЯТ

Бир неча дарвешлар билан суҳбатдош эдим. Улар кўринишда покиза одамлар эдилар. Катта мансабдорлардан бири уларга ниҳоятда ихлосманд бўлиб, маълум миқдорда маош тайинлаганди. Бир кун шулардан бири дарвешлар шаънига ярашмайдиган бир иш қилиб қўйди. Шундан кейин мансабдорнинг бу одамлар ҳақидаги фикри ўзгарди ва уларнинг бозори касод бўлиб қолди.

Мен бир илож қилиб, дўстларимнинг нафақаи аҳли аёлларини сақлаб қолиш мақсадида ҳалиги мансабдорнинг қасрига йўл олдим. Дарвозабон мени киритмади, қаттиқ таҳқирлади, лекин мен уни маъзур тутдим, чунки шундай бир масал бор:

Амиру, вазиру подшоҳларнинг
Ёнига бесабаб бормаслик керак.
Ит билан эшикчи ғарибни тутар,
Бириси ёқадан, бириси этак.

Мансабдорнинг яқин кишилари менинг аҳволимдан хабар топиб, эъзоз-икром билан унинг ҳузурига олиб кирдилар ва тўрга ўтказмоқчи бўлдилар, лекин мен тавозе билан қуйироққа ўтириб, дедим:

Кўя қол ҳолимга, мен камтар банда,
Бандалар ўрни албатта тубанда.

Мансабдор ҳайратга тушиб: «Худо сақласин, худо сақласин, бу нима деганинг?» деди.

Бошимиз, кўзимиз устига ўлтир,
Ҳар қанча ноз қилсанг, малоли йўқдир.

Хулосаи калом, ўтириб ҳар борада суҳбатлашдим. Ниҳоят сўз дўстларимдан бири томонидан содир бўлган ножўя қилиқ устига етганда, дедим:

Аввал саховатли бўлган хўжамиз,
Не гуноҳ ўтдики, камситиб боқар.
Худога ярашар улуғворликким,
Гуноҳкор бандасин нон бериб боқар.

Бу сўзлар мансабдорга ниҳоятда мақбул бўлди, у қайтадан дўстларимга аввалгидай маош тўлаб туришни ва шу орада олинмай қолган маблағларини ҳам беришни буюрди. Мен мансабдорга лутфу карами учун миннатдорчилик изҳор этдим, ҳузурида ер ўпдимда, қимматли вақтини олишга журъат этганим учун узр айтиб, чиқиб кетарканман, дедим:

Каъба қадимлардан ҳожат қибласи,
Йироқ-йироқлардан халқ келар қатор.
Сен чидам кўрсатиб бизни қабул эт,
Мевасиз дарахтга ким ҳам тош отар?

(Саъдийнинг «Гулистон» китобидан).

Қадриятларимиз

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00

Буюртма Г— 1124. 1 2 3 4 5 6